

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ PhD. 03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ**  
**ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАМАЗОВ ГАФУР ШОКУЛОВИЧ**

**ҲУДУД ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ**  
**ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА**  
**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ПРОГНОЗЛАШ**  
**(СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2022**

УДК: 330.43(575.151)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси  
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам  
Content of Dissertation Abstract of Doctoral of philosophy (PhD) in  
Economic sciences**

**Намазов Гафур Шокулович**

Ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишини эконометрик моделлаштириш ва интеллектуал прогнозлаш (Сурхондарё вилояти мисолида).....3

**Намазов Гафур Шокулович**

Эконометрическое моделирование социально-экономического развития региона и интеллектуальное прогнозирование (на примере Сурхандаринской области)..... 27

**Namazov Gafur Shokulovich**

Econometric modeling of the socio-economic development of the region and intelligent forecasting (on the example of Surkhandarya region).....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ PhD. 03/28.08.2020.I.55.03 РАҚАМЛИ**  
**ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАМАЗОВ ГАФУР ШОКУЛОВИЧ**

**ҲУДУД ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ**  
**ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА**  
**ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ПРОГНОЗЛАШ**  
**(СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Урганч – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4.PhD/Iqt2170 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.urdu.uz](http://www.urdu.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ҳатамов Очилди Қурбонович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мухитдинов Худаяр Суюнович**  
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

**Отажанов Умид Абдуллаевич,**  
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети ҳузуридаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/28.08.2020.I.55.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00; факс (99862) 224-57-00; e-mail: [info@urdu.uz](mailto:info@urdu.uz).

Диссертация билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳамид Олимжон кўчаси 14 уй. Тел.: (99862) 224-67-00, e-mail: [arm@urdu.uz](mailto:arm@urdu.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.С.Абдуллаев**  
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Т.Ж.Рахимов**  
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Б.Рузметов**  
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ресурслардан оқилона фойдаланиш, мамлакатларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, минтақаларни иқтисодий ўсишини ва ижтимоий хавфсизлигини таъминлаш тобора мураккаблик касб этмоқда. “2021 йил якунларига кўра, жаҳонда ялпи ички маҳсулот даражаси бўйича етакчи бўлган кучли бешта мамлакатдан Хитой -24162 млрд.долларни, АҚШ - 20807 млрд. доллар, Ҳиндистон - 8681 млрд.доллар, Япония - 5236 млрд.доллар ва ниҳоят Германия - 4454 млрд.долларни ташкил қилмоқда”<sup>1</sup>. Европа иттифоқи давлатларида минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича инвестицион лойиҳаларга молиявий маблағларнинг тўртдан бир қисми ажратилмоқда. Худудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жаҳон талаблари даражасида амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда худуднинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини эътиборга олиб, унинг ривожланиши жараёнларига таъсир этувчи омилларни чуқур таҳлил қилишда эконометрик моделлардан самарали фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада минтақавий ривожланишни иқтисодий-статистик таҳлил ва эконометрик моделлар ёрдамида прогноз қилиш, худудлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёт кўламини янада кенгайтириш, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, меҳнат ресурслари мобиллиги ва улардан самарали фойдаланиш бўйича тадқиқотларга устувор даражада ёндашилмоқда.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ мамлакатимиз худудларини ижтимоий-иқтисодий жадал ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш бўйича мавжуд тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш каби йўналишларда кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Тараққиёт стратегиясида “худудларни мутаносиб ривожлантириш орқали худудий иқтисодиётни 1,4-1,6 бараварга ошириш” ҳамда мамлакат худудларининг иқтисодий ривожланиш рейтинг кўрсаткичлари “қониқарсиз” бўлган шаҳар ва туманлар бўйича амалий чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш орқали ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантириш ҳисобига ЯИМ ҳажми ва ўсиш суръатларини оширишда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини оширишга қаратилган устувор вазифалар белгиланган<sup>2</sup>. Мазкур вазифаларни ҳал этишда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга таъсир қилувчи омилларни устуворлик даражаларини аниқлаш талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги ПҚ-4102-сон “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2020 йил 1 майдаги “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-

<sup>1</sup> Манба: <https://top-rf.ru/places/161-reiting-stran-mira-po-vvp.html>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони. // <https://lex.uz/docs/5841063>

4702-сонли, 2021 йил 17 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4996-сонли Қарорлари, 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6079-сонли, 2022 йил 28 январдаги “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 августдаги “Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 536-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Худуд ижтимоий-иқтисодий муаммоларни илмий ўрганиш ва уларни бартараф этиш масалалари доимо иқтисодчи олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Жумладан, худуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва истиқболларини баҳолаш масалалари кўплаб хорижлик иқтисодчи олимлардан: И.Ансофф, А.И.Анчишкин, Л.Е.Басовский, С.Д.Бешелев, Ф.Г.Гурвич, К.Боумэн, С.М.Вишнев, А.Г.Гранберг, А.Л.Гапоненко, Б.Н.Кузык, В.И.Кушлин, Г.А.Парсаданов, Ю.В.Яковца, Д.Е.Беляков, В.Н.Лексин, Н.Н.Матрусов, Н.Н.Некрасов<sup>3</sup> ва бошқалар томонидан ўрганилган. Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан Т.Ахмедов, А.А.Қаюмов, Х.М.Назарова, Ф.Эгамбердиев, Б.Рузметов, А.Содиқов, А.С.Солиев, А.М.Содиқов, Х.С.Мухитдинов, И.С.Абдуллаев<sup>4</sup> ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

---

<sup>3</sup> И. Ансофф Стратегическое управление. М.: Экономика, 1989, 519 с. 4.; Анчишкин А.И. Наука, техника, экономика. М.: Экономика, 1986, 383 с.; Басовский Л.Е. Прогнозирование и планирование в условиях рынка. Учебное пособие. - М.: ИНФРА-М, 1999. - 260 с.; Бешелев С.Д., Гурвич Ф.Г. Экспертные оценки. М.: Наука, 1973, 246 с. 11.; Боумэн К. Основы стратегического менеджмента / Пер.с англ. Под ред.; Вишнев СМ. Основы комплексного программирования. М.: Наука, 1977, 45 с.; Гранберг А.Г. Основы региональной экономики: Учебник для вузов. - М.: ГУ ВШЭ, 2000. - 495 с.; Гапоненко А.Л. Стратегия социально-экономического развития: страна, регион, город. -М.: Изд-во РАГС, 2001.- 224 с.; Кузык Б.Н., Яковец Ю.В. Россия - 2050: стратегия инновационного прорыва - М.: Экономика, 2004. - 624 с. 48.; Кушлин В.И. Траектория экономических трансформации.-М.: Экономика, 2004.- 310 с.; Парсаданов Г.А. Планирование и прогнозирование социально-экономической системы страны (теоретико-методологические аспекты): Учебное пособие для вузов.- М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001.- 223 с.; Ю.В.Яковца. Теоретические основы и модели долгосрочного макроэкономического прогнозирования /под ред. - М.: МФК, 2004.; Беляков Д.Е., Ушаков А.К. Проблемы разработки территориального аспекта прогнозов социально-экономического развития Российской Федерации // Федеративные отношения и региональная социально-экономическая политика, 1999, №3,с.4-12.; Лексин В.Н., Швецов А.Н. Государство и регионы. Теория и практика государственного регулирования территориального развития. -М., 2000.; Матрасов Н.Д. Региональное прогнозирование регионального развития России. - М.: Наука, 1995.; Некрасов Н.Н. Региональная экономика. М.: Экономика, 1978, 343 с.

<sup>4</sup> Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов Узбекистана Т.:Фан, 1992.; Қаюмов А.А., Назарова Х.М, Эгамбердиев Ф.Т., Якубов Ў.Ш. Минтақавий иқтисодиёт. Т.: Университет, 2004.-102 б.;Эгамбердиев Ф.Т. Иқтисодиёт назарияси, ўқув қўлланма.- Т.:Иқтисодиёт- молия нашриёти, 2014 йил.; Рузметов Б. Региональная экономика. Опыт, проблемы, эффективность комплексного развития. -Т.: Фан, 2003. -219 с.; Содиқов А.М. Ўзбекистон минтақаларининг

Сунъий нейрон тўрлари соҳасидаги назарий ва амалий тадқиқотлар хорижий олимлардан А.И.Галушкин, Е.М.Миркес, В.В.Круглов, Б.Б.Борисов, С.А.Терехов, С.Л.Сотник, И.В.Заенцев, D.O.Hebb, Дж.Маккалок, У.Питтс, М.Минский, С.Пайперт, F.Rosenblatt, Ф.Уоссермен, В.Widrow, Т.Kohonen, S.Grossberg, А.К.Jain<sup>5</sup>лар томонидан амалга оширилган бироқ сунъий нейрон тўрларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш тизимларини бошқаришда ва прогнозлашда қўллаш масалалари кенг ёритилмаган. Бундай тадқиқотларни баъзилари А.Н.Горбань, Д.А.Россиев, А.А.Ежов, С.А.Шумский, С.Г.Короткий, М.Л.Кричевский, А.П.Чернявский<sup>6</sup> лар томонидан амалга оширилган.

Аммо ушбу тадқиқотларда худудий ижтимоий-иктисодий ривожланишининг мувозанатли кўрсаткичлар тизими ва нейрон тўр воситаларидан фойдаланган ҳолда худудлар салоҳияти ва истикболларини интеллектуал прогнозлаш усуллари статистик жиҳатдан кенг тадқиқ этилмаган. Ушбу ҳолатлар тадқиқот йўналишини, мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлиб хизмат қилди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ИТД-2 “Глобал иқлим ўзгариши натижасида юзага келаётган сув танқислиги шароитида қишлоқ хўжалик экинлари таркибини диверсификациялаш асосида Ўзбекистоннинг жанубий худудлари суғориладиган ерларида экологик мувозанатни сақлашнинг ташкилий-иктисодий

---

ижтимоий иқтисодий ривожланиши ва уни тартибга солиш механизмлари. И.ф.д. автореферати – Тошкент: Ўзбекистон миллий университети, 2006, 42 б.; Солиев А., Абдуназаров Х. Аҳоли ўсиши ва истеъмолларини ишлаб чиқаришнинг худудий хусусиятлари // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. Тошкент, №12, 2003.; Содиков.А.М, Ўзбекистон минтақаларининг ижтимоий иқтисодий ривожланиши ва уни тартибга солиш механизмлари. И.ф.д. автореферати – Тошкент: Ўзбекистон миллий университети, 2006, 42 б.; Мухитдинов Х. С. Аҳоли турмуш даражасини моделлаштириш // Монография, Тошкент нашриёти 2005,103 б.; Абдуллаев И.С., Рузметов Б. Худудий иқтисодий тизимни ривожланишини прогнозлашнинг комплекс сонли эконометрик моделлари. Монография // “LESSON PRESS”, 2017, 108 б.; Абдуллаев И.С. Прогнозирование социально-экономического развития региона // Монография, Ташкент издательство Фан, 2009 г. -126 с.

<sup>5</sup> Галушкин А.И. Теория нейронных сетей. Кн. 1: Учеб пособие для вузов. - М.: ИПРЖР, 2000. - 416 с.; Миркес Е.М. Нейроинформатика: Учебное пособие для студентов. -Красноярск: ИПЦ КГТУ, 2002. - 347 с.; Круглов В.В., Борисов Б.Б. Искусственные нейронные сети. Теория и практика. М.: Горячая Линия - Телеком, 2001. - 382 с.; Терехов С.А. Лекции по теории и приложениям искусственных нейронных сетей // Лаборатория Искусственных Нейронных Сетей НТО-2, ВНИИТФ, г. Снежинск, 1998.; Сотник С. Л. Конспект лекций по курсу “Основы проектирования систем искусственного интеллекта”, 1998. - 187 с.; Заенцев И. В. Нейронные сети: основные модели. Учебное пособие к курсу “Нейронные сети”. Воронежский Гос. Университет, 2000. - 76 с.; Hebb D. O. The Organization of Behavior: A Neuropsychological Theory. - New York: Wiley, 1949. — 358 p.; Дж. Маккалок, У Питтс. Логическое исчисление идей, относящихся к нервной деятельности // Автоматы. - М: ИЛ, 1956.; Минский М., Пейперт С. Перцептроны. - М.: Мир, 1971. - 261 с.; Rosenblatt F. The Perceptron: A probabilistic model for information storage and organization in the brain // Psychological Review, 1958. - N 65, P. 386-408.; Уоссермен Ф., Нейрокомпьютерная техника: теория и практика. - М., Мир, 1992.-184 с.; Widrow, B. Rumelhart, D.E. and Lehr, M.A. “Neural networks: Application in industry, business and science” // Communications of the ACM, 1994, № 37(3) P. 93-105.; Kohonen T. Self-organized formation of topologically correct feature maps // Biological Cybernetics, 1982, N 43, P. 59-69.; Grossberg S. Competitive Learning: from Interactive Activation to Adaptive Resonance // Cognitive Science, 1987, no. 11, P. 23-63.; Anil K. Jain, Jianchang Mao, K.M. Mohiuddin. Artificial Neural Networks: A Tutorial // Computer, Vol.29, No.3, March/1996, p. 31- 44.

<sup>6</sup> Горбань А. Н., Россиев Д. А. Нейронные сети на персональном компьютере. - Новосибирск : Наука, 1996. - 276с.; Ежов А.А., Шумский С.А. Нейрокомпьютинг и его применения в экономике и бизнесе. М.: МИФИ, 1998. -216 с.; Короткий С.Г. Нейронные сети: основные положения, 1996. - 7 с.; Кричевский М.Л. Интеллектуальные методы в менеджменте. СПб.: Питер, 2005. - 304 с.; А.П.Чернявский «Формирование прогноза в управлении региональными социально-экономическими системами на основе нейронных сетей» диссертация -2009г.

асосларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги фундаментал лойиҳа (2012-2016 йй.) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини эконометрик моделлаштириш ва истиқболларини интеллектуал прогнозлаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тизими ўзгаришлари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда назарий-услубий асослари моҳиятини очиб бериш;

ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тизимини стратегик ривожланиш параметрларини прогноз қилиш усулларини таҳлил қилиш ва улардан энг самаралисини аниқлаш;

ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланишни ифодаловчи мувозанатли жадвални тузиш ва ундан фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш;

ҳудудий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тизимларни бошқаришда интеллектуал прогнозни шакллантириш, эконометрик моделини ишлаб чиқиш ва баҳолаш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш;

нейрон тўр воситалари асосида моделлаштириш жараёнларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

ҳудуд макроиқтисодий кўрсаткичларини прогнозлаш моделларини тузиш ва баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Сурхондарё вилояти шаҳар ва туманларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнларини эконометрик моделлаштириш олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ҳудудларда барқарор ўсиш суръатларини эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш жараёнида юзага келувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида илмий ёндошув, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, иқтисодий-статистик таҳлил, эконометрик моделлаштириш, сунъий нейрон тўр воситалари орқали прогнозлаш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Сурхондарё вилояти ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ)ини ўртача тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришини “Мега” лойиҳалар ёрдамида инновацион иқтисодиётни шакллантириш ҳисобига 15% гача ошириш имконини берувчи экспорт-импорт ҳажми, иқтисодий-инновацион фаолиятни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, инвестицияларни жалб қилиш самарадорлигини ошириш бўйича интеграцион моделлар тизими таклиф этилган;

Сурхондарё вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулотига (ЯХМ) таъсир этувчи асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни Денов, Жарқўрғон, Сариосиё, Шўрчи, Қумқўрғон туманлари ўртача ўсишдан юқори, 14 фоизи Шеробод, Ангор туманлари ўртача ўсиш, 50 фоизи Термиз, Олтинсой, Бойсун, Музработ, Қизирик, Узун туманлари ва Термиз шаҳри ўртача ўсишдан пастлигига кўра сигмоид, гиперболик ва нейротармоқ моделлари асосида уларнинг ўсиш нуқталари такомиллаштирилган;

худуд макроиктисодий кўрсаткичлари динамикасининг сунъий (artificial neuron network) BFGS усулининг Multilayer perceptron моделининг 4 та кириш, 7 та яширин, 1 та чиқиш нейрон тўри асосида Сурхондарё вилояти ЯХМни 1,4-1,6 баробарга ошириш имконияти асосланган;

худуд ижтимоий-иктисодий ривожланишини асосий макроиктисодий кўрсаткичларининг 2022-2026 йилгача бўлган кўп вариантли прогноз параметрлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

худуд ижтимоий-иктисодий ривожланишиш жараёнларига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш эконометрик моделлари ишлаб чиқилган;

худуд ижтимоий-иктисодий ривожланишида таъсир этувчи кўрсаткичлар прогноз вариантлари таклиф этилган;

худуднинг ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми ва динамикаси вақтли қаторлар усулида таҳлил этилган ҳамда эконометрик моделлари ишлаб чиқилган;

тузилган эконометрик моделлар асосида худуд ижтимоий-иктисодий ривожланишини истиқболдаги йўналишлари асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** тадқиқот жараёнида қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси, Сурхондарё вилояти статистика бошқармаси статистик маълумотларидан олингани, келтирилган таҳлиллар математик ва эконометрик усуллар орқали асосланганлиги ҳамда тегишли хулоса ва таклифларнинг масъул ташкилотлар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш йўналишларини асослаш, минтақада интеллектуал прогнозлаш усулларини қўллаган ҳолда ҳудудий ривожланиш дастурлари, стратегия ва концепцияларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти Ўзбекистон республикаси иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, хокимликлар, ижтимоий-иктисодий ривожланишини прогнозлаш билан шуғулланувчи ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, олий ўқув юртлари ўқув жараёнида кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Худуд ижтимоий-иктисодий ривожланишини эконометрик моделлаштириш ва интеллектуал прогнозлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Сурхондарё вилояти ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯХМ)ини ўртача тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришини “Мега” лойиҳалар ёрдамида инновацион иқтисодиётни шакллантириш ҳисобига 15% гача ошириш имконини берувчи экспорт-импорт ҳажми, иқтисодий-инновацион фаолиятни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, инвестицияларни жалб қилиш самарадорлигини ошириш бўйича интеграцион моделлар тизими бўйича таклиф Сурхондарё вилояти ҳокимининг 2021 йил 31 декабрдаги “Янги Ўзбекистон массивларини қуриш ва худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги 247-8-0-Q/21-сон қарорини ишлаб чиқишда

фойдаланилган (Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг 2022 йил 10 майдаги 02-02/1243-сон маълумотномаси). Ушбу таклифнинг амалга ошириш ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолати, унинг барқарор ривожланиш даражаси, ҳудуд иқтисодиётининг ўсишига туртки берадиган лойиҳаларни аниқлаш, вилоятда саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш каби иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда уларнинг ресурслар билан таъминланиши учун қулай ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар кўламини кенгайтириш, туманлар иқтисодиёти тармоқларида мавжуд тадбиркорлик салоҳияти ва инвестицион имкониятлардан самарали фойдаланиш шарт-шароитлари кенгайтирилган;

Сурхондарё вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулотига (ЯҲМ) таъсир этувчи асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни Денов, Жарқўрғон, Сариосиё, Шўрчи, Қумқўрғон туманлари ўртача ўсишдан юқори, 14 фоизи Шеробод, Ангор туманлари ўртача ўсиш, 50 фоизи Термиз, Олтинсой, Бойсун, Музработ, Қизириқ, Узун туманлари ва Термиз шаҳри ўртача ўсишдан паст эканлигидан келиб чиқиб сигмоид, гиперболик ва нейротармоқ моделлари асосида ўсиш нуқталарини такомиллаштириш бўйича таклиф Сурхондарё вилоят ҳокимининг 2021 йил 27 августдаги “Ижтимоий-иқтисодий ривожланишда иқтисодий тадқиқотлар сифати ва ролини оширишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги 119-8-0-Q/21-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 9 августдаги 16-08/642-сон ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг 2022 йил 10 майдаги 02-02/1243-сон маълумотномалари). Натижада, ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишини дескриптив ҳамда турли туманларнинг ресурс ва инвестиция салоҳияти ривожланиш динамикасини таққослама таҳлил қилиш, ҳудудларда ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш жараёнларни баҳолаш, ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш ва уларни амалга ошириш учун йўналтирилган инвестициялар самарадорлигини баҳолай олиш имконияти яратилган;

ҳудуд макроиқтисодий кўрсаткичлари динамикасининг сунъий (artificial neuron network) BFGS усулининг Multilayer perceptron моделининг 4 та қириш, 7 та яширин, 1 та чиқиш нейрон тўри асосида Сурхондарё вилояти ЯҲМни 1,4-1,6 баробарга ошириш бўйича берилган таклифи Сурхондарё вилоят ҳокимининг 2022 йил 31 майдаги “2022-2026- йилларда Сурхондарё вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 341-8-0-Q/22-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 9 августдаги 16-08/642-сон ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг 2022 йил 10 майдаги 02-02/1243-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида ҳудудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш фаолиятининг ҳолати, иқтисодий барқарорликка эришиш даражасини эконометрик моделлар ёрдамида баҳолаш

имконияти пайдо бўлган. Натижада прогноз параметрлари ишончлилик даражаси 10-12 % га ошган;

худуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишини асосий макроиқтисодий кўрсаткичларининг 2022-2026 йилгача бўлган кўп вариантли прогноз параметрлари ишлаб чиқиш таклифи Сурхондарё вилоят ҳокимининг 2022 йил 31 майдаги “2022-2026 йилларда Сурхондарё вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 341-8-0-Q/22-сон қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг 2022 йил 9 августдаги 16-08/642-сон ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг 2022 йил 10 майдаги 02-02/1243-сон маълумотномалари). Натижада, Сурхондарё вилоятида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмининг истиқболдаги кўрсаткичлар асосида 2022-2026 йилларда вилоят иқтисодиёти тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмларини ўсиш тенденцияларини прогноз қилиш имконияти пайдо бўлган. Прогноз натижаларига кўра, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмини 2026 йилгача 1,6 баробарга ошириш имкониятлари мавжудлиги аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари жами 5 та, жумладан, 1 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилинган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси эътироф этган илмий нашрларда: 1 та хорижий журналда, 3 та маҳаллий журналларда илмий мақола, халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида 4 та маъруза тезислари чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 158 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогноз қилишнинг илмий назарий асослари**» деб номланган биринчи бобда худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг назарий асослари, худуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишини самарали ташкил этиш воситаси сифатида прогнозлаштириш жараёнлари, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда хориж тажрибалари ва ундан Сурхондарё вилояти шароитида фойдаланиш имкониятларини очиб берувчи ёндашувлар умумлаштирилган, ушбу соҳадаги илғор хориж тажрибалари назарий жиҳатдан таҳлил этилган ҳамда худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг илмий-назарий жиҳатдан асосланган бўлиб, унга кўра худуд ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини баҳолаш моделларининг таққослама илмий таҳлил этилган.

Тадқиқот натижаларига кўра шундан далолат берадики, худуд ўрганиш объекти сифатида мураккаб тизимли ёндашувни талаб қилади. Тизим услубиятида марказий ўринни тизим тушунчаси эгаллайди, тадқиқотда ушбу тўпламни ташкил этувчи элементларнинг хусусиятларидан фарқ қилувчи хусусиятларга эга бўлган ўзаро боғлиқ элементларнинг ажралмас тўплами назарда тутилган.

Худудлар ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини баҳолашда иқтисодий-математик усуллар ва эконометрик моделлар ҳамда замонавий ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Унга кўра, худуд ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини баҳолаш моделлари тизими қуйида моделларни ўз ичига олади (1-расм).

Моделлар ёрдамида худуд асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари таҳлил этилиб, уларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омиллар корреляцион-регрессион таҳлил асосида ялпи худудий маҳсулотга таъсири баҳоланади. Натижада, худуд аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯХМ ҳажми аниқланади ва худуднинг иқтисодий ўсиш даражаси тўғрисида хулоса қилинади. Худуд макроиқтисодий кўрсаткичларини ўзгариш тенденциясини прогнозлашда бугунги замонавий эконометрик моделлар ва нейрон тўр воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки улар прогноз параметрларининг юқори даражадаги аниқлигини таъминлайди.



**1-расм. Худуд ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини баҳолаш моделлари тизими<sup>7</sup>**

Худуд иқтисодий тармоқларини ишлаб чиқариш ҳажмларини баҳолаш моделлари орқали саноат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, транспорт, қурилиш каби худуд иқтисодий тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмлари ўзгариш тенденцияси таҳлил этилади, унинг келгуси давр учун прогноз қийматлари ва уларга таъсир этувчи омилларнинг таъсир этиш даражаси аниқланади, ички ва ташқи ресурслар билан қай даражада таъминланганлиги ҳамда ресурсларнинг худудий захираси ёки тақчиллиги баҳоланади.

Худуд иқтисодий инновацион фаолиятини ривожлантириш ва рағбатлантириш тенденцияларини баҳолаш моделлари орқали худуд иқтисодийнинг замонавий инновацион технологиялар билан қуролланганлиги, худуд инновацион салоҳияти, олий ўқув юртларини илмий даражаси ва улардан фойдаланиш имкониятлари баҳоланади.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, жалб қилинган инвестициялар самарадорлигини аниқлаш моделлари ёрдамида худудда мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини диверсификация ва модернизация қилиш даражаси ва уларни амалга оширишда киритилган инвестициялар самарадорлиги баҳоланади.

Худуд экспорт-импорт ҳажми тенденцияларини баҳолашда чет эл корхоналар билан алоқалар таҳлил қилинади. Худуд озиқ-овқат хавфсизлиги ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражасини баҳолаш моделлари орқали худуднинг истеъмол саватига кирувчи турли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганлик даражаси, экспорти ҳамда худуднинг

<sup>7</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.

ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш(маиший техника, кийим-кечаклар ва бошқалар) имкониятлари баҳоланади.

Худудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланганлигини баҳолаш моделлари орқали бугунги кунда худудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳволи ва уларнинг ялпи худудий маҳсулотдаги улуши ҳамда уларни ривожлантиришдаги устувор йўналишлар аниқланади. Худуднинг қайта тикланувчи, муқобил энергия тизимини яратишда қуёш батареялари, шамол генераторлари, минигидроэлектр станцияларини ташкил этиш имкониятлари иқтисодий-математик моделлар ва иқтисодий-статистик воситалар ёрдамида таҳлил этилади.

**Тадқиқот ишининг «Сурхондарё вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати»** деб номланган иккинчи бобида вилоятни республикада тутган ўрни, нейрон тўрлар асосида худуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнини моделлаштиришнинг дастурий таъминоти таҳлили ва нейрон тўрлар асосида худуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишини баҳоланишнинг прогноз моделини шакллантириш таҳлили олиб борилган.

Статистик маълумотлар таҳлили кўрсатишича, Ўзбекистон Республикаси худудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланишида узоқ йиллардан буён нотекислик мавжуд. Ҳар бир маъмурий-худудий бирлик, улар таркибидаги шаҳар ва туманлар маълум бир объектив қонуниятлар асосида ташкил этилган бўлиб, уларнинг географик ва худудий жойлашуви, иқтисодиёти таркиби, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланганлик даражаси, демографик ҳолати, шунингдек, иқлими, сув ва табиий ресурслар салоҳияти билан бир-биридан фарқ қилади (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Ўзбекистон минтақаларида 2010-2021 йилларда ялпи худудий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари, фоизда<sup>8</sup>**

Худудлар	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
Ўзбекистон Республикаси	107,1	107,5	107,1	107,3	106,9	107,2	105,9	104,4	105,4	105,7	101,9	107,4
Қорақалпоғистон Республикаси	112,5	107,3	111,8	108,0	109,2	110,5	112,5	106,1	105,8	107,0	102,0	107,4
Андижон	109,2	110,4	108,4	108,6	108,1	103,4	100,6	104,1	109,6	105,8	102,7	104,7
Бухоро	110,0	111,0	107,5	108,3	108,3	108,5	106,4	102,4	105,4	106,3	102,8	106,2
Жиззах	109,2	110,7	107,9	108,9	107,8	108,3	107,8	104,1	103,9	108,3	104,8	107,0
Қашқадарё	103,1	106,0	104,6	105,4	106,7	106,6	105,6	103,5	102,0	101,8	102,7	107,6
Навоий	103,9	107,0	104,7	104,4	105,5	103,8	103,7	101,5	104,8	105,2	106,6	107,2
Наманган	110,3	110,7	108,4	108,0	107,9	107,7	107,5	103,4	104,1	107,5	105,1	109,1
Самарқанд	110,7	109,9	108,8	108,0	108,3	108,4	107,4	101,5	100,7	105,6	101,8	108,8
Сурхондарё	110,9	110,9	108,5	107,8	107,8	107,3	105,6	103,4	104,6	103,7	104,4	107,8
Сирдарё	108,3	108,1	109,5	105,0	106,5	107,1	106,6	95,5	103,4	109,5	101,8	110,2
Тошкент	108,8	105,5	104,5	106,5	106,2	105,9	104,7	101,0	106,8	107,3	102,9	110,7
Фарғона	106,7	109,6	106,7	107,5	107,3	107,3	105,4	98,9	107,4	104,4	104,9	108,0
Хоразм	106,6	106,8	109,0	109,7	107,5	109,0	104,8	104,5	103,0	105,7	101,4	109,2
Тошкент ш.	111,9	110,3	108,3	108,5	110,4	109,2	110,5	110,8	111,1	108,4	102,4	114,1

<sup>8</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.

Ўзбекистонда Сурхондарё вилоятининг табиий иқлим шароити бошқа ҳудудлардан фарқ қилиб, воҳада икки-уч марта ҳосил олиш, иссиқсевар ўсимликлар етиштириш имконияти мавжуд. Замонавий корхоналар ташкил этилиб, янги иш ўринлари яратилмоқда. Қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва тадбиркорлик изчил ривожланмоқда. Бундан ташқари, вилоятда фойдали қазилмалардан нефть ва газ, тошкўмир, полиметалл, ош тузи конлари фаолияти йўлга қўйилган. Гипс, гранит, аргиллит каби қурилиш материаллари, минерал сувли булоқлар мавжуд.

Диссертацияда тавсифловчи статистика (Descriptive Statistics) таҳлили амалга оширилган ва бу орқали тасодифан рўй бериши мумкин бўлган маълумотлар тўплами орасидаги фарқнинг ишончли эканлиги эҳтимolini баҳоланган. Ушбу таҳлилдан умумий шароитлар ҳақида хулоса чиқариш ва олинган маълумотларни баҳолаш учун фойдаланилади. Бундан ташқари, тавсифловчи статистика катта ҳажмдаги маълумотларни соддалаштиришга ёрдам беради ва ҳар бир тавсифловчи статистика кўплаб маълумотларни қисқартиради. Тавсифловчи статистиканинг ушбу хусусиятидан келиб чиқиб, Сурхондарё вилояти ялпи ҳудудий маҳсулоти ичида энг юқори кўрсаткичларга эга бўлган қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғи туманлар кесимида таҳлил қилинди (2-жадвал).

2-жадвал

**Сурхондарё вилояти туманларининг 2011-2021 йилларда қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулоти ҳажми ўзгаришининг дескриптив таҳлил кўрсаткичлари<sup>9</sup>**

Кўрсаткичлар	Сурхондарё туманларининг кўрсаткичлар бўйича ўртача қиймати	Кўрсаткичлар ўртача қийматидан юқори туманлар сони	Кўрсаткичлар ўртача қийматидан паст туманлар сони	Кўрсаткичлар ўртача қийматининг ярмидан паст туманлар сони
Ўртача қиймат	343,34	4	9	1
Стандарт хато	63,39	5	8	1
Медиана	297,82	6	7	1
Мода	Мавжуд эмас			
Стандарт оғиш	210,25	5	8	1
Дисперсия	110592,86	4	3	7
Экцесс	0,007	1		13
Асимметриклик	0,40	6	6	2
Интервал	624,13	5	8	1
Минимум	83,86	7	6	1
Максимум	707,99	5	8	1
Сумма	3776,78	4	9	1

Таҳлил натижаларига кўра, ўзгарувчилар ўртача қийматдан юқори ва паст миқдорлар бўйича кўриб чиқилди. Ўртача қийматидан юқори туманларга Денов, Қумқўрғон, Шерабод, Жарқўрғон туманлари медиана бўйича ўртача қийматидан юқори туманларга Денов, Қумқўрғон, Шерабод, Жарқўрғон, Узун ҳамда Қизириқ туманлари бу иккала кўрсаткич бўйича фақат медианада Узун ва Қизириқ туманлари фарқ қиладиган бўлса, кўрсаткичларнинг ўртача қийматидан паст туманларга Қизириқ, Узун, Сариосиё, Музработ, Олтинсой, Шўрчи, Ангор,


<sup>9</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.

Бойсун ва Термиз туманлари, медиана бўйича ўртача қийматидан паст туманларга Олтинсой, Сарийосиё, Ангор, Музработ, Шўрчи, Бойсун ва Термиз туманлари киритилди.

Туманлар ичида Музработ, Қизириқ ва Узун туманларида ўртача ва медиана кўрсаткичлари юқори ва паст қийматларда ўзгариб турганлиги аниқланди. Хулоса қилиш мумкинки, вилоят туманларини ижтимоий-иқтисодий ривожланишида нотекислик мавжуд, ривожланиш даражаси кўрсаткичлари бири-биридан фарқ қилади. Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулоти таркибида саноатни улуши паст бўлганлиги (7,3 фоиз) сабабли туманлар кесимида саноат маҳсулотлари ҳажми дескриптив таҳлил қилинди.

Мамлакатда саноатнинг ЯИМдаги улуши барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2021 йилда келиб 28,5 фоизга етган бўлса, вилоятда ЯҲМ таркибидаги саноат улуши 7,8 фоиз даражасида сақланиб, бу кўрсаткич республика даражасидан тўрт баробар паст даражада қолмоқда.

Дескриптив таҳлил натижаларига кўра, туманларда саноат маҳсулотлари ҳажмларининг ўртача қийматидан юқори туманлар сони 5 та, Жарқўрғон, Термиз ш, Денов, Шўрчи, Сарийосиё туманлари, кўрсаткичларнинг ўртача қийматидан паст туманлар Шеробод ва Қумқўрғон туманлари, шу жумладан, ўртача кўрсаткич ярмидан ҳам паст туманлар Ангор, Музработ, Узун, Қизириқ, Термиз туман, Бойсун ва Олтинсой туманлари ҳисобланади(2-расм).



**2-расм Сурхондарё вилояти туманларида саноат маҳсулот ҳажми ўзгаришининг дескриптив таҳлили<sup>10</sup>.**

Медиана қийматига эътибор қаратадиган бўлсак, ўртачадан юқори туманлар 4 та, (Жарқўрғон, Денов, Термиз ш, Шўрчи) кўрсаткич ўртача қийматидан паст туманлар Қумқўрғон, Сарийосиё, Шеробод, Ангор, Узун, Қизириқ ва Музработ туманларидир (3-жадвал).

<sup>10</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.

**Сурхондарё вилояти туманларининг 2011-2021 йиллардаги саноат маҳсулот ҳажми ўзгаришини дискриптив таҳлили<sup>11</sup>.**

	Ўртача хўйлат	Стандарт ҳағо	Медiana	Мода	Стандарт оғиш	Дисперсия	Экспесс	Асимметриклик	Интервал	Минимум	Максимум	Сумма	Уровень надёжности (95,0%)
Олтинсой	44,03	9,56	26,47	МАВЖУД ЭМАС	31,7	1004,9	0,67	1,04	100,1	13,33	113,42	484,36	21,3
Ангор	76,63	7,91	80,18		26,23	687,94	-0,69	0,11	84,81	38,75	123,56	842,89	17,62
Бойсун	46,67	7,08	47,59		23,48	551,25	1,11	0,95	79,8	18,53	98,34	513,39	15,77
Музрабод	76,04	11,89	70,15		39,45	1556,1	8,8	2,83	144,57	45,58	190,15	836,44	26,5
Денов	314,72	67,42	264,56		223,6	49995	3,21	1,62	774,19	95,25	869,44	3462	150,21
Жарқўрғон	437,17	88,36	356,37		293,05	85878	0,06	1,07	886,75	132,68	1019,4	4808,9	196,87
Қумқўрғон	140,43	29,28	133,45		97,12	9432,3	2,08	1,38	324,58	44,77	369,34	1544,7	65,25
Қизирик	71,18	6,16	74,46		20,43	417,3	1,35	0,6	74,45	41,01	115,45	782,93	13,72
Сарносиё	165,11	43,78	127,7		145,19	21080	3,55	1,83	487,1	43,06	530,16	1816,2	97,54
Термиз	66,75	12,74	58,67		42,27	1786,7	-0,08	0,74	135,44	16,36	151,81	734,28	28,4
Узун	71,84	9,48	77,15		31,46	989,42	-1,08	0,09	92,98	27,06	120,04	790,21	21,13
Шерабод	153,5	37,62	110,26		124,76	15564	2,75	1,92	384,74	64,82	449,55	1688,6	83,81
Шўрчи	223,72	37,52	188,78		124,45	15487	0,15	0,95	395,99	82,72	478,72	2460,9	83,6
Термиз ш.	399,85	101,86	253,07		337,84	114139	1,49	1,46	1068,2	92,46	1160,6	4398,3	226,97
Ўртача	163,4	33,62	133,49		111,5	22755	1,67	1,18	359,55	54,03	413,57	1797,4	74,91
Ўртача ярми	81,7	16,81	66,74	55,75	11377	0,83	0,59	179,77	27,01	206,79	898,72	37,45	

ўртачадан юқори
  ўртачадан паст
  ўртача
  ўртачани яримдан паст

Олтинсой, Ангор, Бойсун, Узун ва Термиз туманлари сезиларли даражада паст кўрсаткичлар эга эканлиги маълум бўлди. Таҳлил натижаларига кўра, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ва саноат маҳсулотлари ҳажмлари кўрсаткичлари юқори бўлган Денов, Жарқўрғон, Шерабод, Шўрчи туманларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш барқарордир.

Диссертациянинг «Худуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишини прогнозлаш усулларини такомиллаштириш» деб номланган учинчи бобида Сурхондарё вилояти макроиқтисодий кўрсаткичлари ривожланиш динамикасининг эконометрик моделлар ёрдамидаги таҳлили, вилоят ижтимоий-иқтисодий ривожланиш салоҳиятини баҳолашда эконометрик моделлар ва сунъий нейрон тўр воситаларидан фойдаланиш имкониятлари, макроиқтисодий кўрсаткичларни кўп омилли эконометрик моделлари тузилиб прогноз қийматлари ҳисобланган. Худуд ижтимоий-иқтисодий ўсиш тенденциялари йиллар бўйича прогноз натижалари таққосланиб, худуд ўсиш нуқталари бўйича тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқилган.

<sup>11</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.


Сурхондарё вилоятини 2021 йилдаги ЯХМ ҳажми жорий нархларда 30090,5 млрд. сўмни ташкил этган ва 2020 йилга нисбатан 7,8 фоизга ўсган. Мамлакат ЯИМ даги улуши 4,1 фоизни ташкил этади<sup>12</sup>.

Диссертацияда Сурхондарё вилояти ЯХМ ҳажмини 2012-2021 йиллардаги ўсиш динамикаси таҳлил қилинди(3-расм).



**3-расм. Сурхондарё вилояти ЯХМ ҳажмининг 2012-2021 йилларда ўсиш динамикаси**

Одатда, ARIMA ва ANN моделларидан фойдаланишда иккита статистик тест ўтказилади(ACF ва PACF). ACF ва PACF чизмалари ёрдамида моделни баҳолашдан олдин қатор учун моделнинг  $p$ ,  $d$ , ва  $q$  коэффициентлари қийматларини аниқлаш амалга оширилди(4-расм).



**4-расм. Вақтли қаторнинг биринчи фарқлари бўйича автокорреляция ва хусусий автокорреляция функциялари коррелограммаси**

Расмда устунлар билан автокорреляция ва хусусий автокорреляция коэффициентлари ва горизонтал чизиқлар билан 95% ишонч интервали чегаралари кўрсатилган. Ундан кўришиб турибдики, автокорреляция функциясининг коэффициентлари синусоида кўринишида аста-секин нолга яқинлашмоқда ва хусусий автокорреляция функцияси чизмасида биринчи аҳамиятли коэффициентдан сўнг бирдан аҳамиятсиз лаг келган, яъни узилиш

<sup>12</sup> Сурхондарё вилояти Статистика бошқармасининг расмий сайтдан олинди.

мавжуд. Бу ARIMA моделида  $p=1$  ва  $q=1$  қийматларда тўғри келади. Бундан ташқари, вақтли қаторнинг биринчи тартибли фарқлари стационар эканлиги унинг биринчи тартибли интеграциялашганлигини, яъни  $d=1$  эканлигини билдиради. Шу асосда тузилган ARIMA моделларини қиёсий таҳлили амалга оширилди(4-жадвал).

4-жадвал

Тузилган АРИМА моделларининг қиёсий таҳлили<sup>13</sup>

Т/р	Модел шакли	Акаик мезони	Шварц мезони	Детерминация коэффициенти	Параметр-ларнинг аҳамиятлилиги
1	ARIMA (1,0,1)	669,8837	674,7964	0,712322	Аҳамиятли
2	ARIMA (1,0,1)(1,0,0)4	641,6143	648,1646	0,880615	Аҳамиятли
3	ARIMA (1,0,1)(0,1,0)4	568,1126	572,6917	0,866768	Аҳамиятли
4	ARIMA (1,0,1)(2,0,0)4	643,4413	651,6292	0,881347	Аҳамиятли
5	ARIMA (1,0,1)(2,1,0)4	570,5493	578,1811	0,873788	Аҳамиятли
6	ARIMA (1,0,1)(3,0,0)4	644,9542	654,7797	0,884020	Аҳамиятли

Баҳолаш натижалари шуни кўрсатдики, ARIMA(1,0,1)(3,0,0)4 модели бўйича MAPE=14,22%, ARIMA(1,0,1)(0,1,0)4 модели бўйича MAPE=11,42%, демак, энг кичик кўрсаткич ARIMA(1,0,1)(0,1,0)4 моделга тегишли (MAPE=11,42%) бўлиб, вақтли қатор учун энг мақбул модель эканлигини кўрсатмоқда.

Таҳлил натижалари кўра, вақтли қатор учун ARIMA(1,0,1)(0,1,0)4 модел адекват ҳисобланиб, прогнозлашда ушбу модел фойдаланилди.

$$\Delta Y_{aIM} = -0.33 * Y_{aIM}_{t-1} - 0.84 * \varepsilon_{t-1}$$

Бу ерда: ЯХМ – Сурхондарё вилояти ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми. ЯХМ ҳажмининг ўзгармас нархлардаги қиймати(2012 йил нархларида) прогноз натижалари келтирилган(5-расм).

Исход.:YAIM : +прогнозы, Модель: (1,0,1)(0,1,0); (Таблица данных1) Преобразования: D(2) Модель(1,0,1)(0,1,0) MS Остаток= 0,6						
Параметр	Парам.	Асимпт. Ст.ошиб.	Асимпт. t( 46)	p	Нижняя 95% дов.	Верхняя 95% дов.
p(1)	-0,330679	0,203137	-1,62786	0,000500	-0,73957	0,078215
q(1)	-0,846021	0,118727	-7,12575	0,000000	-1,08501	-0,607035

Прогнозы: Модель:(1,0,1)(0,1,0) Сезонный лаг: 4 (Таблица данных1) Исход.:YAIM Начало исходных: 1 Конец исходн.: 38				
Набл. N	Прогноз	Нижний 95,0000%	Верхний 95,0000%	Ст.ошиб.
39	5888,57	3884,826	7892,32	983,707
40	10637,27	8513,590	12760,95	1042,587
41	9401,97	7164,775	11639,17	1098,315
42	10153,37	7808,148	12498,59	1151,349
43	7386,24	3804,389	10968,09	1758,453
44	12134,94	8286,596	15983,28	1889,283
45	10899,64	6802,098	14997,18	2011,622
46	11651,04	7318,611	15983,46	2126,936
47	8883,91	3369,911	14397,90	2707,009
48	13632,61	7728,425	19536,79	2898,564
49	12397,31	6127,174	18667,44	3078,221
50	13148,70	6532,834	19764,57	3247,956

5-расм. Арима модели асосида ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичлари<sup>14</sup>

<sup>13</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.

<sup>14</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.

Яширин нейронлар учун фаоллаштириш функцияларини: айнан бир хил(тождественная), сигмоид(сигмоид) ва гиперболик(гиперболическая), чиқиш нейронлари учун ҳам айнан бир хил(тождественная) вариант танланган. Дастур мазкур моделдан танлаш жараёнида 50 та тармоқ натижасидан 5 та энг яхшисини танлаб беради.

Энг яхши моделни танлаш учун олинган маълумотларни таҳлил қилинганда, ҳар бир модел: ишлаш ва хато, тармоқ проекцияси графиги, қолдиқ тақсимлаш гистограммаси, қолдиқ ёйилиш каби параметрлар бўйича таққосланади<sup>15</sup>.

Яширин қатламдаги фаоллаштириш функцияси сигмасимон (сигмоид) варианты ҳисобланди.

$$\delta(z) = \frac{1}{1+e^{-z}}$$

$$z_1 = \delta(2.63281 \cdot x_1 + 4.72806 \cdot x_2 + 2.33572 \cdot x_3 - 2.79531 \cdot x_4 + 0.51788)$$

$$z_2 = \delta(0.59095 \cdot x_1 + 0.27349 \cdot x_2 - 3.69938 \cdot x_3 + 4.70886 \cdot x_4 + 1.04368)$$

$$z_3 = \delta(-1.60202 \cdot x_1 - 0.86283 \cdot x_2 + 0.27044 \cdot x_3 - 4.87033 \cdot x_4 - 0.07444)$$

$$z_4 = \delta(4.38949 \cdot x_1 + 1.15442 \cdot x_2 + 1.09637 \cdot x_3 + 0.40123 \cdot x_4 - 1.96831)$$

$$z_5 = \delta(3.54983 \cdot x_1 - 0.96992 \cdot x_2 + 2.20695 \cdot x_3 - 1.8161 \cdot x_4 - 0.19944)$$

$$z_6 = \delta(0.45864 \cdot x_1 + 0.18114 \cdot x_2 - 2.55381 \cdot x_3 - 2.05976 \cdot x_4 - 0.46684)$$


$$z_7 = \delta(-3.24651 \cdot x_1 + 1.81954 \cdot x_2 + 3.79066 \cdot x_3 + 5.23246 \cdot x_4 - 2.8971)$$

Чиқиш қатламдаги фаоллаштириш функцияси бир хил (Тождественная) вариантини ҳисобланган.

$$\vartheta(x) = x$$

$$\hat{y} = (-0.02633 \cdot z_1 + 1.36195 \cdot z_2 - 0.08795 \cdot z_3 + 1.49269 \cdot z_4 + 0.15402 \cdot z_5 + 0.49152 \cdot z_6 + 1.57267 \cdot z_7 - 1.48948)$$

у прогнозлашда ушбу модел шаклидан фойдаланиш мумкинлигини билдиради.



**6-расм. ANN(4-7-1) модели архитектурасида нейрон тугунларининг боғланган вазн ва биас қийматлари<sup>16</sup>**

<sup>15</sup> Боровиков В.П. Нейронные сети Statistica Neural Networks Методология и технологии современного анализа данных: «горячая линия –Телеком», 2008 г. С. 392.

<sup>16</sup> Манба: муаллиф ишланмаси.

Барча параметрлар бўйича ANN(4-7-1) модели прогноз қилиш учун мақбул дейиш мумкин(6-расм). Мазкур модел учун детерминация коэффиценти  $R^2=0,97$ га, MAPE- 7,93 фоиз хатолик жуда мақбул натижадир. ARIMA ва ANN моделларини таққослаш ҳақиқий кўрсаткич ва ушбу моделлар ёрдамида олинган прогноз қийматлари орасидаги хатоликларни ҳисоблаш орқали баҳоланди(5-жадвал).

**5-жадвал**

**ARIMA ва ANN Моделлар бўйича прогноз натижалари<sup>17</sup>**

Йиллар Модел тури	2022	2023	2024	2025	2026	2021 йилга нисбатан%да 2026 йил
ANN(4-7-1)	35546,86	40378,51	42891,09	48236,28	44102,12	+1,46
ARIMA(1, 0, 1)(0, 1, 0) <sup>4</sup>	36081,18	42071,86	48062,52	45071,06	48406,38	+1,60

